

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

САГДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ САИДАКБАРОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК МОЙЛАРИДАН ФОСФОЛИПИДЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)****Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна Маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш технологиясини такомиллаштириш.....	3
Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна Совершенствование технологии получения фосфолипидов из мест- ных растительных масел	29
Sagdullaeva Dilafruz Saidakbarovna Improvement of production technology phospholipids from local vegetable oils.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

САГДУЛЛАЕВА ДИЛАФРУЗ САИДАКБАРОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК МОЙЛАРИДАН ФОСФОЛИПИДЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Т84. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Тураев Аббасхан Сабирханович
академик, доктор химических наук, профессор

Расмий оппонентлар: Икромов Абдувахоб Икромович
техника фанлари доктори, профессор

Тиллаева Гулнора Урунбаевна
техника фанлари доктори, профессор

Ортиқов Асқар Ортиқович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик технологиялари
институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 19 » декабрь 2020 йил соат 9-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навои кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навои кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17.

Диссертация автореферати 2020 йил « 19 » декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил « 4 » декабрдаги № 2 рақамли респуб. баённомаси).



С.М.Туробджонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к.ф.д., доцент

К.О.Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда хомашё базасини ва табиий биологик фаол (БФМ) бўлган фосфолипидларни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Озиқавий ва техник мақсадларга йўналтирилган фосфолипидлар асосан йилдан-йилга ишлаб чиқарилиши ошиб бораётган ўсимлик мойлари асосида олинади. Фосфолипидларнинг хусусиятларини янги амалий аҳамиятлари очилмоқда. Фосфолипидлар яхши ноионоген сирт-фаол модда (СФМ), эмульгатор (лецитин), антиоксидантлик, суюқликларни қовушқоқлигини пасайтирувчи ва ҳ.з хусусиятларга эгадир. Афсуски, ушбу соҳа статистик маълумотларига кўра, анъанавий усулда ўсимлик мойларини қайта ишлаб фосфолипидлар олиш технологиясини яратишга етарлича эътибор берилмаяпти. Бу борада ўсимлик мойларидан фосфолипид олиш технологиясини такомиллаштириш ва қўллаш соҳаларини кенгайтириш муҳум аҳамиятга эгадир.

Жаҳон амалиётида ёғ-мой саноати ривожланиши озиқ-овқат, фармацевтика ва иқтисоднинг бошқа соҳаларига турли фосфолипидларни фракцияларни олишга (лецитин, кефалин ва бошқ.), улардан тиббиёт соҳаси учун ҳосилаларини синтези ва ажратиб олиш ва қайта ишлашга йўналтирилган. Бу борада қуйидаги илмий-техник ечимларни асослаш: маҳаллий фосфолипидларга бой ва зарарсиз бўлган ўсимлик мойларини танлаш; ташқи таъсирлар ёрдамида ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш жараёнини жадаллаштириш; фосфолипидларни тозалаш технологиясини ишалаб чиқиш ва турли соҳаларда қўллаш зарур.

Республикамизда бугунги кунда маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш ва уларни озиқ-овқат, нефть ва газ соҳаси бурғулаш эритмаси учун стабилизаторлар, юқори қовушқоқли нефтларни қовушқоқлигини камайтиргичлар ва бошқалар ишлаб чиқариш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий ўсимлик мойлари асосида фосфолипидларни юқори самарали технологиясини яратиш ва уларни озиқ-овқат ва бошқа саноат корхоналарида қўллаш бўйича йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2018 йил 19 январдаги ПФ-3484-сон «Ёғ-мой

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118 -сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Фосфолипид олиш учун хомашё ресурсларини танлаш ва ўсимлик мойларидан фосфолипидларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан Пальма мойи Малайзия илмий-тадқиқот институти (ПОРИМ, Малайзия), Америка илмий маркази кимёгар-мойчилар бирлашмаси (АОС, АҚШ), Умумроссия илмий-тадқиқот ёғлар институти (ВНИИЖ) ва Кубан давлат техника университети ва Москва озиқ-овқат технологик институти (Россия), Киев озиқ-овқат технологик институти ва Одесса озиқ-овқат технологик институти (Украина), Тошкент кимё технология институти, Биоорганик кимё институти ва Бухоро муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Озиқавий ва техник фосфолипидларни олиш ва уларни турли соҳаларда қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пальма мойидан фосфолипид олиш технологияси ишлаб чиқилган (ПОРИМ, Малайзия); ўсимлик мойларидан янги кимёвий реагентларни қўллаб, гидратланган фосфолипидлар олиш технологияси яратилган (КТИПП, Украина); соя мойларини гидратациялаш орқали фосфолипид эмульсияларини олиш технологияси ишлаб чиқилган (АОС, АҚШ); ўсимлик мойларини гидротация қилиб, лицетин - сирт фаол моддалар ажратиш олиш технологияси яратилган (Умумроссия илмий-тадқиқот ёғлар институти (ВНИИЖ), Россия).

Дунёда турли ўсимлик мойларидан озиқавий ва техник мақсадларда қўллаш учун фосфолипидлар олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: фосфолипидлар олиш учун самарали хомашё базаларини топиш; уларни қўшимчалардан тозалаш усулини ишлаб чиқиш; олинган фосфолипидларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипид

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.crunchbase.com/organization/anchor-drilling-fluids-usa>; www.scprod.com; www.special-products.com; www.stratacontrol.com; www.sundrilling.com, www.sulfatreat.com. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

олиш учун самарали гидратацияловчи реагент ва шароит танлаш; озикавий лицетин олиш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фосфолипидларнинг кимёвий ва биологик ва ҳосилаларини тизимли ўрганиш бир қанча олимлар, С.Вепко, G.R.List, G.Robbelen, F.E.Sullivan, L.Rudhag, I.Wilton, K.Press, G.Peinel, W.Nieuwenhuzen, G.Mieth, M.Kates, N.E.Jewell, N.W.Nowar, F.J.Fluder, M.B. Abramson, П.А.Ребиндера, Ю.С.Липатова, А.А.Абрамзона, Б.Н.Тютюнников, А.Л.Маркман, А.Г.Сергеев, А.П.Нечаев, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Адабиётларда озикавий ва техник фосфолипидларнинг ва уларнинг эмульсиялари таркибларини идентификация қилиш ва бошқариш бўйича маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда А.С.Тўраев, С.А.Абдурахимов, И.Б.Исабаев, С.Д.Гусакова, Г.У.Тиллаева ва бошқалар фосфолипидларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш бўйича ишлар олиб боришган. Ҳозирги вақтда кунгабоқар ва соя мойларидан турли озик-овқат маҳсулотлари учун эмульгатор ва антиоксидант сифатида қўлланиладиган фосфолипид олиш технологияси маълум

Республикада катта миқдорда фосфолипид эмульсиясини олиш учун ўсимлик мойлари хом ашё баъзаси етарли. Маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш ёғ-мой маҳсулоти ассортиментини ошириб, соапсток таркибидаги қимматли ёғни йўқолишини камайтириб, табиий СФМ четдан келтирилишини қисқартиради. Хусусан, юқоридаги муаммоларни ечиш учун, яъни маҳаллий хом ашёлар асосида фосфолипидларни олиш технологиясини яратиш зарур.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И 2011-9-1 «Саноат миқёсида янги ювиш воситаси ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш» (2011-2015 йй.) ва И-2015-6-11 «Госсипол – (+) даражаси юқори бўлган янги пахта нави уруғига асосланган емлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ўсимлик мойлари асосида фосфолипидлар олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ўсимлик мойларидан гидратация усули асосида фосфолипидлар олиш жараёнини тадқиқ этиш;

маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипид олиш жараёнига микротўлқинли нурлар билан ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш;

маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипид олиш учун самарали гидратацияловчи реагент ва шароит танлаш;

форпресс ва экстракцион пахта мойларни микротўлқинли электромагнит майдонда нурлатиб, танланган гидратацияловчи реагент ёрдамида техник фосфолипид олиш усулини тадқиқ этиш, технологиясини такомиллаштириш;

пахта мойи фосфолипидларини тозалаш ва оқлаш учун фаоллаштирилган маҳаллий гилмоядан адсорбентлар яратиш;

маҳаллий оч рангли (соя, кунгабоқар, махсар) мойлардан озиқавий лецитин олиш;

олинган фосфолипидларни техник мақсад ва озиқа ишлаб чиқаришда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий ўсимлик мойларидан гидратация усули билан олинган фосфолипидлар, ўсимлик мойлари, лецитиндан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий ўсимлик мойларидан танланган гидратацияловчи эритма ва микротўлқинли нурланиш ёрдамида фосфолипидлар олиш қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий, коллоид-кимёвий, ГСХ, ИК-, ва ЯМР - спектроскопия ва бошқа хом ашёни ва олинган маҳсулотни стандартлашган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг таркиби ва хоссалари аниқланган;

маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш жараёнини микротўлқин нурлари 1,4-1,5 баробар жадаллаштириши аниқланган;

хом фосфолипидларни тозалаш учун маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллантирилган гилмоя адсорбентлари ишлаб чиқилган;

маҳаллий хом ашёлар асосида олинган фосфолипидларнинг кимёвий, коллоид-кимёвий ва ёғ-кислота таркиби аниқланган;

маҳаллий ўсимлик мойлари асосида фосфолипидлар олиш учун самарали гидратацияловчи эритма танланган;

озиқавий лецитин ва техник фосфолипид олиш учун оч (соя, кунгабоқар, махсар) ва тўқ рангли (форпресс ва экстракцион пахта мойи) маҳаллий мойлар танланган;

маҳаллий ўсимлик мойларидан ишлаб чиқилган гидратацияловчи эритма ва микротўлқинли нурланиш ёрдамида фосфолипидлар олиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимлик мойларидан микротўлқинли нурланиш ёрдамида фосфолипидлар олиш учун технологик инструкция (ТИ 1/2020 БКИ) ишлаб чиқилган;

оч (соя, кунгабоқар ва махсар) ва тўқ рангли (пахта мойи) мойлардан олинган озиқавий ва техник фосфолипидларни тозалашнинг техник шартлари (ТШ 1/2020 БКИ ва ТШ 2/2020 БКИ) ишлаб чиқилган;

маҳаллий ўсимлик мойларидан микротўлқинли нурланиш ёрдамида озиқавий ва техник фосфолипидларни гидратациялашнинг мақбул шароитлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (калориметрик, рентгенфаза, ИК-спектр, визуаль-политермик) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида ва саноат-тажриба синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, микротўлқинли нурланиш таъсирида фосфолипидларни олиш жараёнида кимёвий, коллоид-кимёвий, ишлаб чиқилган технологик кўрсаткичларига чиқиш миқдорини ва гидратация жараёнини жадаллаштириш асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий ўсимлик мойлари асосида олинган полифункциональ СФМ лар эмульгатор, қовушқоқликни камайтирувчи, ёғ-мой корхоналари ва парфюмерия-косметология саноати учун маргарин маҳсулотларини агрегатив ва оксидланишга қарши барқарорлигини, техник дисперс тизимларни қовушқоқлигини камайтирувчи антиоксидантлар сифатида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидратацияланган фосфолипид эмульсияси кўринишидаги табиий ноионоген СФМ олиш технологиясини такомиллаштириш натижалари асосида:

ўсимлик мойларини микротўлқинли нурлатиш усулини қўллаб, гидратациялашнинг такомиллаштирилган технологияси «Фарғона ёғ-мой» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» Ассоциациясининг 2020 йил 05 августдаги АА/03-835-сон маълумотномаси). Натижада гидратациялаш жараёнини 2-3 баробар (ҳом ашё турига қараб) жадаллаштириш имконини берган;

оч рангли ўсимлик мойларидан лецитин олиш технологияси «Фарғона ёғ-мой» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» Ассоциациясининг 2020 йил 05 августдаги АА/03-835-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий импорт ўрнини босувчи фосфолипид эмульсиялари кўринишидаги озиқавий СФМ эмульгаторлар олиш маргарин маҳсулотини таннархини тушириш имконини берган;

ўсимлик мойларидан фосфолипидларнинг янги рецептураси ва ишлаб чиқариш технологияси «Фарғона ёғ-мой» АЖ-да амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» Ассоциациясининг 2020 йил 05 августдаги АА/03-835-сон маълумотномаси). Натижада юқори турғунликка ва оксидланишга бардошли маргарин ишлаб чиқариш, сақлаш муддатини эса 1,5 баробар узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу ишнинг натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича жами 41 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 15

мақола, жумладан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 212 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш технологиясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида фосфолипидларнинг сирт фаоллиги хусусиятлари, фосфолипидларнинг кимёвий таркибининг ўзига хослиги ва физик-кимёвий хоссалари, фосфолипидларни олиш технологияси ва уларни такомиллаштириш усуллари, ўсимлик мойларидан ноанъанавий усулда фосфолипидлар олиш усуллари, шунингдек турли маҳсулотлар олишда озикавий ва техник фосфолипидларни қўллаш истиқболлари келтирилган. Ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш бўйича тадқиқотлар натижасини комплекс таҳлил қилиш натижасида ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Маҳаллий ўсимлик мойларидан фосфолипидлар олиш ва уларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида ўсимлик мойларидан микротўлқинли гидратация ёрдамида фосфолипидларни олиш учун лаборатория қурилмаси ишлаб чиқиш, хом ва гидратацияланган ёғларни таҳлил усуллари, шунингдек, маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидлар ва уларнинг мисцеллалари таҳлил усуллари, ишлаб чиқилган адсорбентлар ёрдамида фосфолипидларни тозалаш ва олинган натижаларни статистик таҳлиliga бағишланади.

Ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларни табиати ва хусусиятларини ўрганиш мобайнида қийинчиликлар асосан гидратация жараёнида сезиларли бўлади, уларни мойиллиги билан, учглицеридлар билан молекуляр тузилишининг ўхшашлиги, шунингдек ажратилаётган моддаларда микдорининг камлиги билан асосланади.

Фосфолипидлар, реакция қобиляти юқори бўлиб, гидроскопиклиги, барқарормаслиги ва бошқа хоссалари ажратиш жараёнида қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли, уларни ўсимлик мойларидан фосфолипидларни табиий хоссалари сақланган ҳолда олишга ҳаракат қилиш керак.

Ўзбекистон ёғ-мой корхоналарида бугунги кунда кимёвий, ёғ-кислота

таркиби ва учглицеридлар таркиби турлича бўлган пахта, соя ва махсар мойлари форпресслаб ва углеводород эритувчилари ёрдамида экстракция қилиб олинмоқда. Фосфолипидлар миқдори ёғнинг миқдорига нисбатан 1,0 дан 3% гача бўлиши мумкин. Фосфолипидларнинг энг кўп миқдори соя ва пахта мойида (3% гача), махсар мойида ундан камроқ миқдор учрайди. Пахта мойининг хом ёки рафинациялангани таркибида госсипол, хлорофилл ва уларнинг ҳосилалари бўлишини инобатга олиб, улардан олинган фосфолипидларни техник мақсадда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Соя ва махсар мойларидан олинган фосфолипидларни озиқавий мақсадларда қўллаш мумкин.

1-жадвал

**Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган гидратацияланган СФМ
фосфолипидлар таркиби**

Фосфолипид турлари	Маҳаллий ўсимлик мойлари турлари, %			
	Пахта мойи	Кунгабоқар мойи	Соя мойи	Махсар мойи
Идентифицияланмаган	1,5	-	1,5	-
Фосфолипидлар, N ва инозитолга реакция берувчи	8	10	-	12
Фосфатидхолинлар	23	26	24	24
Лизофосфатидилхолинлар	1,5	1,5	2	2
Фосфатидилинозитоллар	28	12,5	5	13
Фосфатидилсеринлар	3,5	8	11	5
Лизофосфатидилсеринлар	0,5	-	2	-
Фосфатидилэтанолламинлар	12	14	16	12
Лизофосфатидилэтанолламинлар	1,5	-	1,5	-
Фосфатидные кислотлар	2,5	6	11	8
Полифосфатидные кислотлар	9	7	9	5
Дифосфатидилглицеринлар	9	15	17	19

Лаборатория шароитида юқоридаги айтиб ўтилган мойлардан ажратиб олинган фосфолипидлар ўзининг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари жиҳатдан сезиларли фарқ қилади.

Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидли СФМ гуруҳли таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, турли ўсимлик мойларидан олинган сирт фаоллигини кўрсатувчи фосфолипидлар таркиби ҳам турлича бўлади.

2-жадвалда маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

2-жадвал

**Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий физик-кимёвий
кўрсаткичлари**

Ўсимлик мойлари турлари	Кислота сони, мг КОН/г	Гидратацияланган фосфолипидларнинг асосий таркиби, %					
		госсипол	Кул миқдори	азот	фосфор	углеводлар (умумий)	Совунланмайдиган моддалар
Пахта мойи	7,55	2,75	1,66	1,26	3,67	3,75	4,57
Кунгабоқар мойи	16,45	-	4,35	1,10	3,40	5,90	1,96
Соя мойи	14,36	-	4,90	1,12	3,90	9,10	2,36
Махсар мойи	15,45	-	4,75	1,18	3,32	6,25	2,20

2-жадвалдан кўриниб турибдики, фосфолипиднинг хоссалари ўсимлик мойларининг таркибига кирувчи ёғ кислоталари табиатига боғлиқ. Шу сабабли, фосфолипидлар турли хил сирт фаолликка эгадир, буни эса 3-жадвалдаги натижалар тасдиқлайди.

3-жадвал

Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий ёғ кислота таркиби

Фосфолипидлар олинган ўсимлик мойлари тури	Фосфолипидларнинг ёғ-кислота таркиби, %							
	C _{14:0}	C _{16:0}	C _{18:0}	ΣS	C _{18:1}	C _{18:2}	C _{18:3}	ΣUS
Пахта мойи	0,1	23,4	3,1	26,6	17,0	56,2	0,2	73,4
Кунгабокар мойи	0,2	8,3	5,1	13,6	26,1	60,3	-	86,4
Соя мойи	0,1	8,1	5,4	12,6	16,2	68,4	2,8	87,4
Махсар мойи	0,3	7,7	3,8	11,8	25,0	62,7	0,5	88,2

Фосфолипидларни тўйинмаганлик даражаси ошиши билан қуйидига кетма-кетликда ўзгаради: **фосфатидилсеринлар > фосфатидилинозитоллар > дифосфатидилглицеринлар > фосфатид кислотлар > полифосфатид кислотлар > фосфатидилэтаноламинлар > фосфатидилхолинлар.**

Шундай қилиб, маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидлар деярли МДХ давлатларида олинган анологларига мос келиб, улар (пахта мойидан ташқари) озикавий мақсадларда қўлланиши мумкин.

Форпресслаб ва экстракция усулида маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларини ИК-, ЯМР- ва масс-спектроскопия таҳлил усуллари ўтказилди. Олинган фосфолипидларнинг ўзига хос таркиби ва хоссалари ва ҳосилалари билан боғ турлари аниқланган.

Фосфолипидларнинг замонавий ИК-, ЯМР- ва масс-спектроскопия комплекс таҳлил натижалари форпресслаб ва экстракция усулда олинган пахта, соя ва махсар мойларидан олинган фосфолипиднинг турларини аниқлаш имконини беради. Пахта мойи олиниш усулига қарамай таркибида госсиполни бўлиши ундан олинган фосфолипидларни техник мақсадларда қўллашни тавсия этилади.

Маълумки, ўсимлик мойлари фосфолипидлари таркибида турли хил қўшимчалар бўлиб, уларни йўқотиш эса унинг сифатини ва баъзи хоссаларни яхшилади. Фосфолипидлар таркибида бўёвчи моддалар борлиги унинг рангини ва сирт фаоллик хусусиятларини ёмонлаштиради. Уларни яхшилаш учун фосфолипидларни фаоллантирилган адсорбентлар ёрдамида адсорбцион тозаланади.

Биз фосфолипидларни тозалаш учун маҳаллий гил минераллари асосида фаоллантирилган адсорбент олинди. Бунда олинаётган адсорбентларнинг ғоваклигини ва фаоллигини ошириш учун механо-кимёвий (МКА) фаоллаштиришдан, яни бунда гил минералларининг ички ғовақларига чуқур кириш имконини беради. Бундай усулда сульфат кислота ёрдамида маҳаллий бентонит ва палигорскитларни фаоллаштириш натижасида олинган адсорбент ёрдамида тўқ рангли фосфолипидлар таркибидан бўёвчи ва токсик моддаларни тозалаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Маҳаллий ўсимлик мойларидан гидратация усулида фосфолипидлар олиш ва ташқи таъсирни аниқлаш**» деб номланган учунчи

бобида маҳаллий ўсимлик мойларини гидратацияловчи сувли эритма танлашнинг илмий асослари кўрсатилган.

Маълумки, ўсимлик мойларида фосфолипидлар гидратацияланадиган ва гидратацияланмайдиган шаклда учрайди. Бу албатта гидратацияловчи сувли эритмани тўғри танлаш ва ташқи таъсирни бошқариш имконини беради.

Гидрофил фосфолипидларни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш учун биз физик хусусият сифатида ўрганилаётган намунанинг мой ва дистилланган сув ажралиш чегарасидаги фазалараро таранглик қийматини танладик. Фазалараро таранглик сталагмометрда доимий ҳарорат ва кислоталиликда ўрганилаётган мой намуналари чегарасида ажралиб чиқаётган сув томчилари ҳажмини аниқлаш орқали ўлчанди.

Турли хил гидратланадиган фосфотидларга эга бўлган ўрганилаётган мойларнинг намуналари рафинацияланган мой ёки углеводород эритувчиларида 1 - (5:9) нисбатда мойлар аралашмасидаги эркин ёғ кислоталарининг доимий мавжудлигида ва доимий ҳароратда эритилганда, фазалараро тарангликнинг гидрофил моддалар концентрациясига боғлиқлиги чизикли тенглама билан ифодаланади.

$$\sigma_1 = \sigma_0 - KC, \quad (1)$$

бу ерда: σ_1 – номаълум фосфолипидли мойлар аралашмасининг эркин ёғ кислоталарининг доимий концентрациясидаги фазалараро таранглиги;

σ_0 – эркин ёғ кислоталарининг доимий концентрациясида тоза эритувчининг фазалараро таранглиги (ординатадаги мойил текис чизик билан кесилган сегмент);

k – $\text{ctg}\alpha$, бу ерда α – ордината ва қийа чизик ўртасидаги бурчак;

C – намуна таркибидаги фосфолипидларнинг концентрацияси, %.

Гидрофил моддалар таркибини тезлаштирилган тарзда аниқлашнинг бу усули α нинг C га калибрлаш эгри чизигини аниқлаш кўзда тутуди (1-расм).


Бунинг учун турли хил фосфолипидли пахта мойларининг бешта намунаси гидратация жараёнида ўтказилди ва колориметрик усул билан дастлабки ва гидратацияланган мойлардаги гидрофил фосфолипидларнинг миқдори аниқланди. Синов намуналари рафинацияланган мойда суюлтирилди ва уларга шприц ёрдамида игна орқали ёғ кислоталари қуйидаги формули билан ҳисоблаб топилган катталиқкача киритилди:

$$\hat{E}_i = \hat{E}_{i0} - \frac{V_1 K_1 + V_2 K_2}{V_1 + V_2}; \quad (2)$$


бу ерда: V_1 ва K_1 – рафинацияланган мой ҳажми (мл) ва унинг кислоталиги (%), мос равишда;

V_2 ва K_2 – ўрганилаётган мойнинг ҳажми (мл) ва унинг кислоталиги (%);

$K_{\text{пр}}$ – қабул қилинган ёғ кислоталарининг концентрацияси, %.



1-расм. Гидрофил фосфолипидларни аниқлаш учун калибрлаш эгри чизиғи



2-расм. МКФнинг ротор тезлигига қараб лимон кислотасининг сувли эритмасидан 5% (1), 10% (2) ва 15% (3) гидратациялаш йўли билан махсар мойдан олинadиган фосфатидлар миқдорининг ўзгариши

Абцисса ўқида гидратланган фосфолипидлар миқдори, ордината ўқида - микрометр ($n_{\text{н\ddot{o}}}$) бўлинмаларида ифодаланган σ қиймати чизилган. Ушбу соддалаштириш нафақат ҳисоблаш тезлиги учун қабул қилинган, балки юқори суўлтиришда фазалараро тарангликнинг бирликларини аниқлаш заруриятини инкор этиши билан ҳам боғлиқ.

$$\sigma = K(d_1 - d_2) * n_{\text{н\ddot{o}}}, \quad (3)$$

бу урда: $n_{\text{н\ddot{o}}}$ – сталагмометр шкаласи бирликларида ўртача томчи катталиги;

K – доимий сталагмометрнинг ўртача қиймати;

d_1 ва d_2 – сув ва текшириляётган рафинацияланган мой аралашмасининг зичлиги.

Гидрофил фосфолипид концентрациясининг (40°C да аниқланган) кислоталик даражаси 1,0% гача етказилган рафинацияланган мойда суўлтирилган синов намуналари учун чизилган фазалараро тарангликнинг калибрловчи боғлиқлиги (1-расм) бўйича, гидрофил фосфолипидларни ҳисоблашнинг қуйидаги формуласи олинган:

$$C = \frac{155 - n_{\text{н\ddot{o}}}}{135,7}, \quad (4)$$

Ишлаб чиқилган методиканинг хатоларини аниқлаш учун бир хил намунада 40 та тажриба ўтказилди, сўнгра маълум методика асосида нисбий хатолик ҳисоблаб чиқилиб, у 5,2% га тенглиги аниқланди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар танланган гидратловчи реактивнинг ўсимлик мойларидан гидратацияланадиган фосфолипидларни максимал ажратиб олиш учун самарадорлигини илмий асослашга имкон берди.

Бундан ташқари, махсар фосфолипидларини олиш ва унумдорлигини ошириш жараёнининг жадаллашишига ноанъанавий таъсир ўтказиш усуллари таъсири ўрганилди.

Махсар мойида фосфолипидлар алоҳида боғланган молекула ва ассоциатларида, яъни мицелла, ҳарорат ошиши, электромагнит ва механо-кимёвий фаоллаштириш (МКФ) таъсири водород боғлари узилишига олиб келади.

Ҳарорат ошиши билан махсар мойи фосфолипидлари ассоциатларини даражасига гидратацияланиши камаяди. Лекин 90°C ҳароратда ҳам махсар мойида гидратацияланган фосфолипидларнинг молекулалари кузатилмайди.

Бинобарин, юқорида таъкидлаб ўтилган натижалар асосида, амалиётга жорий этиш учун махсар мойини гидратация жараёнини ва ундан фосфатидлар олишнинг, яъни 15%ли лимон кислота ёрдамида махсар мойи ва сувни механо-кимёвий фаоллаштириш (МКФ) комбинирланган усули тавсия этилди. Бунда экстрацияланган махсар мойидан фосфатидларни чиқиши 1,1-1,3 марта ва олинаётган фосфатидларни сифати ошади.

Биз тарафдан 5%-, 10%-, 15%-ли лимон кислотасини қўллаб, гидратацияланувчи фосфатидларни сифатига МКФ роторининг айланишлар тезлигини таъсири аниқланди (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, МКФ роторининг айланишлар тезлигини 25 дан 2500 айл/дақ ошиши билан махсар мойидан ажралаётган фосфатидларни сони ҳам ошиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, МКФ усули махсар мойини гидратациялаш жараёнини жадаллаштиришида бир қанча устунликка эга. Аммо махсар мойидан фосфолипидларни ажралиш миқдори ЎЮЧ-нурланишга нисбатан паст, бу эса ушбу усулни гидратация жараёнига амалиётда қўлланишига сабаб бўлади.

ЎЮЧ-нурланиш ўсимлик мойларини гидратацияланиш жараёнини бир мунча тезлаштириб, бошқа кўриб чиқилган усулларга нисбатан самарали ҳисобланди.

4-жадвалда махсар мойини ЎЮЧ-нурланиш ва анъанавий (назорат) гидратация натижалари келтирилган.

4-жадвал

ЎЮЧ- нурланиш ва анъанавий (назорат) гидратацияланган махсар мойининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Гидратланган махсар мойининг кўрсаткичлари			
		ЎЮЧ-нурланишсиз (назорат)	ЎЮЧ-нурланиш билан		
			2 дақиқа	4 дақиқа	6 дақиқа
Кислота сони	мг КОН/г	3,9	3,8	3,7	3,7
ранги	мг J ₂	20	20	10	10
Масса улуши:	%				
- фосфолипидлар		0,36	0,28	0,20	0,17
-Гликолипидлар		0,47	0,44	0,36	0,30
- намлик		0,4	0,3	0,3	0,2
Металларнинг масса улуши	%·10 ⁻²	0,48	0,41	0,36	0,31
Коагуляцияланиш вақти ва фосфолипидларнинг ажралиши	дақ	420	20	22	24

4-жадвалдан кўриниб турибдики, ЎЮЧ-нурланишни махсар мойини гидратация жараёнида кўлланиши гидратацияланган фосфолипидларни чиқишини ошириб, мойдан металлларни йўқолишига олиб келди. Бунда 4-дақиқа давомида ЎЮЧ-нурланиш таъсирида махсар мойини гидратация қилиш орқали энг кучли таъсир кўрсатди. Таъкидлаш лозимки, махсар мойидан фосфолипидларни коагуляциясига ва ажралишига вақт тасири ЎЮЧ-нурланиш кўплаб жараёни жадаллашишидаги ютуғини кўрсатади. Анъанавий усулга нисбатан ЎЮЧ-нурланишни кўллаб ёғларни гидратация жараёнида вақтни тахминан 20 баравар фосфолипидларни коагуляция ва ажралишини қисқартириб, энергия ва сарф-ҳаражатларни қисқартириш имконини беради.

Охириги йилларда Ўзбекистонда суғориладиган ва лалми ерларда соя уруғларини махсус техникалар ёрдамида суғорилиб етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Четдан келтирилган «Селекта-201», «Селекта-302», «Спарта» и «Амего» навлари экилмоқда.

2019 йил Кашқадарёнинг Шаҳрисабз районида «Косон ёғ-экстракция» АЖ да 500,0 тонн соя уруғи қайта ишланди.

Дастлабки олинган соя уруғи ва анъанавий форпресс усулда олинган мойининг таҳлил натижалари уларни таркибида Краснодар селекционерлари томондан олинган натижалардан фарқли. Албатта бу иқлимнинг ва тупроқнинг Краснодарникидан фарқли эканлигидадур.

5-жадвалда форпресс мойида турли хил фосфолипидларни Россияда ва Ўзбекистонда етиштирилган турлари келтирилган.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, форпресс соя мойида 5 хил фосфолипид мавжуд бўлиб, энг юқори ўринда фосфатидилхолин (33% гача) ва тескари, энг кам миқдори фосфатидилинозит (6,4%). Бундан Ўзбекистонда етиштирилган уруғ мойларида Россия етиштирилганидан анча кўп. Лизофосфатид соя мойларида ёғга нисбатан 12,0-19,5% ташкил этади.

5-жадвал

Турли хил соя мойларида фосфолипидларнинг турларининг таркиби

Соя мойидаги фосфолипидлар тури	Россиядан келтирилган соя мойи (назорат)		Ўзбекистоннинг соя мойи	
	Селекта-201 нави	Спарта нави	Селекта-201 нави	Спарта нави
Фосфатидилинозитоллар	6,1	6,4	5,7	5,9
Фосфатилхолинлар	30,1	29,5	32,9	33,2
Фосфатидилсеринлар	17,3	18,7	17,8	16,9
Фосфатидилэтанолламинлар	18,6	19,4	18,1	20,3
Фосфатидные кислотлар	7,9	6,5	8,1	8,4
Лизофосфатидлар	12,0	19,5	17,4	15,3

6-жадвалда Ўзбекистонда ва Россияда етиштирилган форпресс соя мойларини гидратациялангандаги асосий кўрсаткичлари келтирилган.

6-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда етиштирилган соя мойларининг 2 хил навида ҳам фосфолипидларни гидратацияланиши 4-5% Россияникига қараганда кўпроқ.

Турли сорт форпресс соя мойнинг гидратацияланиш кўрсатгичи

Куйидаги соя нави уруғларидан олинган мойларнинг номланиши	Гидратацияланувчи форпресс соя мойи		
	Гидратацияланиши, %	Гидратациягача ёғ таркибидаги фосфолипиднинг миқдори, %	Гидратациядан кейин ёғ таркибидаги фосфолипиднинг миқдори, %
Россияда олинган мой, (назорат)			
Селекта-201	70,5	0,23	0,09
Спарта	72,3	0,29	0,12
Ўзбекистонда олинган мой, (назорат)			
Селекта-201	74,8	0,274	0,06
Спарта	75,7	0,281	0,08

Буни Россияда уруғларни узок вақт нам шароитда ва паст ҳароратда таркибидаги гидратацияланувчи фосфолипидларни сақланишига салбий таъсир кўрсатади. Аниқланишича, “юмшоқ” (намлик 7% ва $\pm 25-35^{\circ}\text{C}$ ҳароратда) шароитда узок вақт уруғларни сақланиши форпресс мойларида гидратацияга учрамаган фосфолипидлар миқдори 0,03-0,05% ошмайди.

7-жадвалда турли соя мойлари таркибида гидратацияланган ва гидратацияланмаган фосфолипидларнинг қиздириш ҳарорати таъсирида ўзгариши келтирилган.

7-жадвал

Турли соя мойлари таркибида гидратацияланган ва гидратацияланмаган фосфолипидларнинг қиздириш ҳарорати таъсирида ўзгариши

Соя мойи навининг номланиши	Соя мойини қиздириш ҳарорати			
	70°C	80°C	90°C	100°C
Гидратацияланувчи фосфолипидлар таркиби, %				
Селекта-201	31,5	28,7	24,6	21,5
Спарта	29,8	25,7	22,1	18,6
Гидратацияланмайдиган фосфолипидлар таркиби, %				
Селекта-201	68,5	71,3	75,4	78,5
Спарта	70,2	74,3	77,9	81,4

7-жадвалдан кўриниб турибдики, форпресс соя мойларини (соянинг навига боғлиқ бўлмаган ҳолда) иссиқлик таъсирида лизоформ фосфолипидларни ва айрим фосфатид кислоталар, яъни умумий гидратация жараёнини эффеқтини туширувчи фосфолипидлар гуруҳини миқдори камайишига олиб келади. А, В ва Д фосфолипазлар инактивацияси лизоформ (А ва В фосфолипазалари) фосфолипидларини ва фосфатидилхолин, фосфатидилэтанолламин, фосфатидилсеринларнинг гидролизига учраб фосфатид кислота ҳосил бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда етиштирилган соя уруғидан Россияда етиштирилганга нисбатан сифатли ёғ олиш мумкинлигини кўрсатди.

Кўрсатилишича, соя мойида 5 хил турдаги фосфолипидлар мавжуд бўлиб, улар куйидаги кетма-кетликда жойлашади: фосфатидилхолинлар > фосфатидилэтанолламинлар > фосфатидилсеринлар > фосфатидилинозитоллар > фосфатидли кислоталар. Ўзбекистонда етиштирилган ҳудди шу сорт Россияда етиштирилганига қараганда гидратацияланиши юқори эканлиги

аниқланди. 70 дан 100⁰С соя мойини қиздирилганда, гидратацияланадиган фосфолипидлар миқдори 31,5 дан 21,5% (Селекта-201) ва 29,8 дан 18,6% (Спарта)га тушиб кетиши кўрсатилган. Ва аксинча, гидратацияланмайдиган фосфолипидлар миқдори 68,5 дан 78,5% (Селекта-201) ва 70,2 дан 81,4% (Спарта)га ошиди. Шунинг учун термик қайта ишлаш ва соя материаллар қиздиришни 70-80⁰С дан оширмаслик керак.

8-жадвалда асосий саноатда ишлатиладиган пахта чигити таркибидаги пахта мойи, фосфолипидлар, госсипол, ёғ кислоталари ўзгариши келтирилган.

8-жадвал

Пахта чигитининг асосий ишлаб чиқариладиган навларида мой, фосфолипидлар госсипол ва эркин ёғ-кислоталари таркибидаги ўзгаришлар

Пахта уруғи нави	Уруғ таркибидаги мойнинг кислота сони, мг КОН/г	Масса улуши, %		
		ёғ	фосфолипидлар	Умумий госсипол
Ташкент-6	3,55 – 3,72	22,5 – 24,3	0,9 – 1,6	1,12 – 1,21
Андижан-35	3,65 – 3,88	23,7 – 25,1	1,0 – 1,8	0,95 – 1,07
С-4727	4,11 – 4,25	21,4 – 23,0	1,1 – 1,7	0,80 – 0,97
Термез-31 ^{х)}	2,74 – 2,86	23,5 – 24,7	1,3 – 1,8	1,51 – 1,83
АН-Баяут-2	4,15 – 4,29	22,3 – 23,6	0,9 – 1,5	1,05 – 1,27
ФАН-1	3,62 – 3,75	21,7 – 23,1	0,8 – 1,6	0,82 – 0,98
ФАН-2	3,74 – 3,86	21,8 – 23,4	1,0 – 1,7	1,10 – 1,24
С-9080	3,18 – 3,25	22,5 – 24,3	1,1 – 1,6	1,12 – 1,23
С-6524	3,27 – 3,41	22,3 – 23,7	1,3 – 1,8	0,85 – 1,02
Наманган-77	3,12 – 3,28	22,8 – 24,2	1,0 – 1,6	0,83 – 1,07
Юлдуз	3,74 – 3,85	21,7 – 23,4	1,1 – 1,8	0,94 – 1,22
АН-512	3,53 – 3,67	21,5 – 23,2	1,2 – 1,7	0,45 – 0,67

Изох: х) бу нав майда толали пахта уруғларига тегишлидир

8-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган барча пахта чигити навларида ёғдорлиги етиштириш шароитига (жой, ўғитлар миқдори ва ҳ.з.) қараб 21-25% оралиғида ўзгаради. Мисол қилиб, Андижан-35, Термез-31, Наманган-77 навда нисбатан кўп, аксинча С-4727, ФАН-1,2 ва Юлдуз навларида эса ёғдорлик эга. Шундай қилиб, фосфолипидларнинг энг кўп миқдори куйидаги навларда, яъни Термез-31, С-6524, АН-512, аксинча ФАН-1, АН-Баяут-2, Тошкент-6 энг кам миқдорга эга. Кислота сони энг юқори қиймати: С-4727, АН-Баяут-2, Юлдуз навларида ва энг кам миқдори Термез-31, Наманган-77, С-9080 навлари уруғларида эканлиги аниқланди.

Кутилганидек, пахта уруғини етиштириш шароитларига қараб умумий госсипол миқдори кенг оралиқда ўзгаради. Мисол қилиб, энг юқори умумий госсипол миқдори: Термез-31, С-9080, Ташкент-6 ва аксинча АН-512, С-4727, Наманган-77 навларида энг кам миқдорга эга эканлиги аниқланди.

Маълумки, пахта мойини ЎЮЧ-нурлари ёрдамида гидратация жараёни куйидаги босқичлардан иборат: -ёғни қиздириш; -ёғни сув билан аралаштириш (ёки тузли эритма билан); - гидратацияланган ёғларда фосфолипидларнинг экспозицияси (коагуляция); - фосфолипидларни гидратацияланган ёғдан ажратиб олиш.

Бу жараённи вақт бўйича кетма-кетликда жойланади:

$$\tau = \tau_1 + \tau_2 + \tau_3 + \tau_4 \text{ (с)}, \quad (1)$$

бунда: τ – гидратация учун керак бўлган вақт, с;

τ_1, τ_2, τ_3 и τ_4 – пахта мойини гидратация жараёнидан кейинги босқичларни амалга ошириш учун кетган вақт: ёғни қиздириш, гидратацияланган ёғларда фосфолипидларнинг экспозицияси (коагуляция); - фосфолипидларни гидратацияланган ёғдан ажратиб олиш киритилган.

Биз ушбу жараёни олиб бориш учун самарали ўтиши учун вақтни аниқладик (9-жадвал).

9-жадвал

Пахта мойини гидратация қилиш учун кетадиган вақт

Реагент тури	Жараёни кетишига кетган вақт, с				Жараёнга кетган вақт, (τ), соат
	қиздириш (τ_1), соат	Рарлаштириш (τ_2), соат	коагуляция (τ_3), соат	ажратиш (τ_4), соат	
Дистилтилланган сув	0,5 гача	0,5 гача	6 гача	1 гача	8 гача
0,3 %-ли тузли эритма	0,5 гача	0,5 гача	5,5 гача	1 гача	7,5 гача

9-жадвалдан кўришиб турибдики, коагуляция жараёни бориши учун 5,5-6 соат, яъни пахта мойини гидратациясида фосфолипидларни экспозициясига кетди. Шунингдек, дистилланган сув ўрнига 0,3%-ли тузли эритма қўлланиши 0,5 соатга қисқартириши аниқланган.

Пахта мойларида ва фосфолипидларда диэлектрик хоссалари борлигини инобатга олиб, кўрилатган жараёнга ЎЮЧ-нурланишни жараёнга таъсири ўрганилди.

Пахта мойларида фосфолипидларни ЎЮЧ-нурланиш ёрдамида коагуляция жараёни ўрганиш давомида аниқландики, сарфланаётган 25-30% вақтни тежаш, энергетик ҳаражатларни камайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. 10-жадвалда гидратланган пахта мойи ва фосфолипидларнинг кўрсаткичларига ўюч-нурланиш таъсири кўрсатилган.

10-жадвалдан ЎЮЧ-нурланишни қўлланиши пахта мойини гидратация жараёни давомийлигини сезиларли, тахминан 3-5 баробар (дастлабки ёғда гидратацияланадиган фосфолипидларнинг миқдорига қараб) камайтириши кўришиб турибди. Бунда ЎЮЧ-нурланиш қувватини 300 Вт га ошириши фосфолипидларнинг миқдорини оширади. ЎЮЧ-нурланишни қувватини оширишимиз билан унинг таъсир вақти камаяди. Мисол қилиб, ЎЮЧ-нурланишни 300 Вт кучланишда 2 дақиқа давомида олиб бориш мақсадга мувофиқ, чунки бунда кислота сони деярли ўзгармайди. Бундан ташқари, пахта мойининг “кўк” ранги камайиши кузатилди, гидратацияланган ёғда “кўк” ранг берувчи фосфатидларни бирикмалари йўқолиши билан тушунтириш мумкин.

Ҳозирги вақтда фосфатидларни ташиш ва сақлашни осонлаштириш учун уларни буғлатиш, яъни юқори ҳарорат (100°C ва юқори) ва вакуумни қўллаб концентрацияланади.

Гидратацияланган пахта мойи ва фосфолипидларнинг кўрсаткичларига ЎЮЧ-нурланиш таъсири

ЎЮЧ-нурлантириш шароити			Гидратацияланган мойнинг кўрсаткичлари				Фосфолипидларнинг кўрсаткичлари		
Кув-вати, Вт	вақт, дақ	Ҳарорат, °С	70 сариқ бирликда ранги		Кислота сони, мг КОН/гр	Намлик, %	Мой билан фосфатидларнинг миқдори, %	Мойга нисбатан фосфатид P ₂ O ₅ , % миқдори	стеаро-олецитинга нисбатан фосфатидлар миқдори
			қиз. бир.	кўк бир.					
Хом пахта мойи									
-	-	-	23	11	3,86	0,18	5,80	0,078	2,228
Анъанавий усулда олинган пахта мойи ва фосфолипидлар (назорат):									
-	-	-	23	9,9	3,05	0,12	5,16	0,028	0,805
ЎЮЧ-нурланиш ёрдамида олинган гидратацияланган пахта мойи ва фосфолипидлар:									
100	30	60-70	23	9,8	2,79	0,14	5,16	0,037	1,046
200	31	60-80	23	9,4	2,83	0,12	5,55	0,033	0,996
300	11	68-83	23	9,1	2,94	0,14	5,64	0,036	1,032
300	2	65-90	23	9,0	3,01	0,17	5,69	0,060	1,907
450	2	75-90	23	11	3,05	0,13	5,63	0,058	1,095

Шу сабабли, 11-жадвалда анъанавий ва ЎЮЧ-нурланиш ёрдамида олинган техник пахта фосфатид концентратининг (ТПФК) кўрсаткичлари келтирилган.


Анъанавий ва ЎЮЧ-нурлантириш ёрдамида олинган техник пахта фосфатид концентратининг кўрсаткичлари

Фосфатид концентратининг кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Фосфатид концентратининг белгилари	
		Анъанавий усулда олинган	ЎЮЧ-нурлантириш ёрдамида
Лавибонд бўйича ранги, 35 сариқ бирликда	Қиз. бирлик Кўк бирлик	23 1,2	26 3,1
Кислота сони, ТФК дан олинган ёғнинг таркиби:	мг КОН/г %	18,3	19,4
-фосфолипидлар	%	54,1	59,8
-ёғ	%	46,7	38,4
-намлик ва учувчи моддалар	%	0,97	0,75
Жигарранг пигмент	мг/г	19,25	22,12

11-жадвалдан кўринадики, ЎЮЧ-нурланишни қўлланганда техник пахта фосфатид концентратининг (ТПФК) сифати анъанавий усулга нисбатан юқори бўлади. Мисол учун, олинган маҳсулотда фосфолипидлар миқдори (59,8%), жигарранг пигментлар (22,12 мг/г) ва бошқалар юқори бўлади.

Шунда ҳам бу фосфолипидларда госсипол ва унинг ҳосилалари уларнинг дастлабки пахта мойидаги миқдorigа боғлиқ бўлади.

Биз ЮЭСХ усулида гидратацияланган пахта мойини таҳлил қилинди, олинган натижалар 3- а ва б расмларда келтирилган.



3-расм. 0,7 мл/дақиқа оқим тезлигида анъанавий тарзда гидратланган мойнинг хроматограммаси. 3,931 дақиқа 40,5318% госсипол (а), микротўлқинли нурланиш билан 2450 МГц частотада 2 дақиқа давомида гидратацияланган. 3,938 дақиқа 49,4342% госсипол (б).

3-а ва б расмлар шуни кўрсатадики, гидратланган пахта мойларида муҳим миқдордаги госсипол ва унинг ҳосилалари мавжуд бўлиб, уларни қайта ишлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Биз техник пахта фосфатид концентратининг (ТПФК) юқори қовушқоқлик маҳаллий нефтларни оқувчанлик кўрсаткичларига таъсири аниқланди. Динамик силжиш кучланиши (Па) ва динамик қовушқоқлик (Па·с) ни аниқлашни 20⁰С ҳароратда тасдиқланган усуллар ёрдамида олиб борилди (12-жадвал).

12-жадвалда Джаркурган конлари нефтлари таркибида ТПФК нинг миқдорини ошиши динамик силжиш кучланиши (Па) ва динамик қовушқоқлик (Па·с) пасайиши аниқланди. Джаркурган конлари нефтларига ТПФК 500 г/т кўшилиши динамик силжиш кучланиши (Па) ва динамик қовушқоқлик (Па·с) 6,9 Па ва 18,7 Па·с тенг бўлади. Миршоди конлари нефтлари учун бу кўрсаткич 13,6 Па ва 70,4 Па·с тенг бўлди.

12-жадвал

Маҳаллий нефтларнинг оқувчанлигига техник пахта фосфатид концентратининг таъсири

Нефт конлари номи	Кўшимча ТПФК, г/т	Динамик силжиш кучланиши, Па	Динамик қовушқоқлик, Па·с
Джаркурган нефть кони, зичлиги 873 кг/м ³ , қотиш ҳарорати +5 ⁰ С ва парафин миқдори 6,3%	0,0	21,2	50,1
	50,0	20,0	48,4
	100,0	18,5	46,3
	200,0	14,3	40,0
	300,0	12,4	32,5
	400,0	8,2	24,4
	500,0	6,9	18,7
Миршоди нефть кони, зичлиги 960 кг/м ³ , қотиш ҳарорати +4 ⁰ С ва силика-гел қатронлар -38,7%	0,0	29,8	112,4
	50,0	27,4	103,2
	100,0	24,5	96,8
	200,0	22,1	90,3
	300,0	18,9	84,5
	400,0	16,4	79,6
500,0	13,6	70,4	

ТХФК ни ёғ, нефть ва ундан қайта ишланган маҳсулотларда яхши эрувчи ноионоген сирт фаол моддалар таснифига киритиш мумкин.

Шундай қилиб, ТХФК тадқиқот натижаларида кўрсатилгандек, у юқори қовушқоқли мойларни оқувчанлик ҳоссасини ошириш учун самарали сирт фаол модда ҳисобланиб, уларни қувур орқали ташиш жараёнини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин.

Диссертациясининг тўртинчи боби "**Маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини қиёсий ўрганиш**" маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш, микротўлқинли нурланиш билан маҳаллий пахта мойидан фосфолипидлар олиш технологик шароитларини оптималлаштиришга бағишланган.

13-жадвалда микротўлқинли нурланиш ёрдамида ва анъанавий гидратацияланган пахта ёғини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

13-жадвалдан кўриниб турибдики, микротўлқинли нурланиш ёрдамида ҳам пресслаш, ҳам экстракция усуллари билан олинган нефтнинг гидратацияланиши уларни олишнинг анъанавий усулига қараганда самаралироқдир. Буни фосфолипидлар чиқишининг ортиши, мой рангининг пасайиши, мойсиз моддаларнинг камайиши ва бошқалар тасдиқлайди.

13-жадвал

Анъанавий ва ЎЮЧ-нурлантириш ёрдамида гидратация килинган пахта мойи ва фосфолипидларнинг сифат кўрсаткичлари

Мой тури	Ёғнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари					Фосфолипидлар кўрсаткичи			
	Ранги, кизил бирлик-да 35 сарикда	Кислота сони, мг КОН/г	Мой бўлмаган моддалар таркиби, %	Йод сони, мг I ₂	Чакнаш ҳарорати, °С	Фосфолипидлар таркиби, %	Кислота сони, мг КОН/г	Мойлик, %	Намлиги, %
Хом пахта ёғи									
пресс	70,5	4,3	4,5	116,2	-	-	-	-	-
экстракцион	75,8	5,5	5,2	114,5	232	-	-	-	-
Анъанавий усулда гидратацияланган пахта ёғи (назорат)									
пресс	63,0	3,9	4,2	115,8	-	54,1	4,3	42,0	1,52
экстракцион	67,5	5,3	5,1	114,6	223	55,0	5,2	42,7	1,71
Микротўлқинли нурланиш билан гидратацияланган пахта ёғи									
пресс	61,5	3,8	4,1	115,6	-	56,6	4,3	40,5	1,43
экстракцион	64,3	5,2	5,0	114,4	233	56,8	5,1	41,0	1,55

14-жадвалда маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий гуруҳларининг кўрсаткичлари келтирилган.

14-жадвалда кўриб чиқилган барча фосфолипидлар орасида фосфатидилхолинларнинг сирт фаоллиги энг юқори эканлиги кўриниб турибди. Сирт фаоллиги бўйича ушбу фосфолипидлар қуйидаги камайиш тартибида жойлашади: фосфатидилхолинлар → фосфатидилэтанолламинлар → фосфатидилсеринлар → фосфатидилинозитоллар → фосфатик кислоталари. Сирт фаоллигининг ҳароратга боғлиқлиги фазалар ажралиш чегарасида СФМ молекулаларининг қайта жойлашининг натижасидир.

Пахта, соя ва махсар мойларидан олинган фосфолипидларнинг асосий гурухлари ва турларининг сирт фаоллигини ҳароратга боғлиқлиги

